



2024 йил 29 февраль

№ РС-09-24

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда кадрлар  
захирасини шакллантириш ва номзодларни ишга қабул қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда кадрлар захирасини шакллантириш ва номзодларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини муҳокама қилиб, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда кадрлар захирасини шакллантириш ва номзодларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди кадрлар захирасини шакллантириш бўйича комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Раёсат қарори қабул қилиниши муносабати билан **10 кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари кадрлар захирасини шакллантириш тартибига оид қабул қилинган Раёсат қарорлари ўз кучини йўқотиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда кадрлар захирасини шакллантириш ва номзодларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан кадрлар захирасини шакллантириш бўйича комиссия таркибини тасдиқлаш ҳақида раёсати муҳокамасига киритсин.

3. Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари ушбу судларда фаолият юритаётган бошқарув ходимлари ҳамда туманлараро, туман ва шаҳар судлари девонхона мудирлари сафини тўлиқ олий маълумотли ҳуқуқшунослар билан тўлдириш чораларини кўрсин (Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими, Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими ҳамда Архив бундан мустасно).

Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар, туманлараро, туман, шаҳар судларига фақат кадрлар захирасига кирган номзодлардан ишга қабул қилиш тартиби жорий этилсин.

4. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Олий суд Раёсатининг 2021 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий суди кадрлар захирасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги РС-71-21-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарор Қорақалпоғистон Республикаси судлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий судларга ижро учун юборилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари А.Холмахматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**



**Б. Исламов**